

Риёзус солихйин / Риёзус солихйин / 412-ҳадис

412 - РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ШУНДАЙ ДЕГАНЛАРИНИ ЭШИТДИМ: «ҚИЁМАТ КУНИ ҚУЁШ МАХЛУҚОТЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРИЛИБ, УЛАРДАН БИР МИЛ МИСОФАДА БЎЛИБ ҚОЛАДИ. - РОВИЙ СУЛАЙМ ИБН ОМИР МИҚДОДДАН РИВОЯТ ҚИЛИБ АЙТАДИ: «АЛЛОҲГА ҚАСАМ, МИЛ ДЕБ ЕРДАГИ МАСОФА НАЗАРДА ТУТГАНМИ ЁКИ КЎЗ БЎЯЛАДИГАН ЧЎПНИМИ, БИЛМАЙМАН». - ЎШАНДА ОДАМЛАР АМАЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИГА ҚАРАБ ТЕРГА БОТАДИЛАР. БАЪЗИЛАРИНИНГ ТЕРИ ТОВОНИГАЧА, БАЪЗИЛАРИНИКИ ТИЗАСИГАЧА, ЯНА БАЪЗИЛАРИНИКИ БЕЛИГАЧА БЎЛАДИ. ТЕР БАЪЗИЛАРНИ МАҲКАМ ЮГАНЛАБ ОЛАДИ». РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ШУНДАЙ ДЕБ, ҚЎЛЛАРИ БИЛАН ОҒИЗЛАРИГА ИШОРА ҚИЛДИЛАР».

1. Миқдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Қиёмат куни қуёш махлуқотларга яқинлаштирилиб, улардан бир мил мисофада бўлиб қолади.** - Ровий Сулайм ибн Омир Миқдоддан ривоят қилиб айтади: «Аллоҳга қасам, мил деб ердаги масофа назарда тутганми ёки кўз бўяладиган чўпними, билмайман». - **Ўшанда одамлар амалларининг миқдорига қараб терга ботадилар. Баъзиларининг тери товонигача, баъзилариники тиззасигача, яна баъзилариники белигача бўлади. Тер баъзиларни маҳкам юганлаб олади»**. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб, қўллари билан оғизларига ишора қилдилар».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



